

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ГЕНДЕР МАСЪУЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Н.Ж.Сагиндикова.

Условия развития гендерной ответственности в современном обществе

Conditions for the development of gender responsibility in modern society

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат Университети психология ф.б.

PhD., доцент

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий жамиятда гендер масъулиятини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари адабиётлар ва олимларнинг тадқиқотлари таҳлили ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Аннотация: В этой статье были проанализированы условия развития гендерной ответственности в современном обществе с помощью анализа исследований литературы и ученых.

Abstract: This article analyzed the conditions for the development of gender responsibility in modern society through the analysis of literature studies and scientists.

Калит сўзлар: гендер, гендер хусусиятлар, талабалар психологияси, масъулият, ўқув фаолияти, психологик хусусиятлар, ижтимоий муносабатлар, ёшлар психологияси

Ключевое слова: гендер, гендерные особенности, студенческая психология, ответственность, учебная деятельность, психологические особенности, социальные отношения, психология молодежи

Key words: gender, gender characteristics, student psychology, responsibility, educational activity, psychological characteristics, social relations, youth psychology

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида гендер масаласини илмий ишлаб чиқиш, шу жумладан, ижтимоий-психологик жиҳатдан ривожлантириш аҳамияти кўп жиҳатдан замонавий лексиконда гендер, гендер идентиклик, гендер таълими, гендер масъулияти, гендер тадқиқотлари, гендер маданияти, гендер тенглиги ва бошқалар каби бир қатор нисбатан янги тушунчалар пайдо бўлиши ва интенсив равишда ривожланиши билан боғлиқ омилларни долзарблаштиради. Шу муносабат билан, иқтисодийнинг барча тармоқларида, айниқса, таълим хизматлари соҳасида янги авлод мутахассисларини гендер жиҳатдан тайёрлаш мавжуд гендер роллари тенгсизлигини ва биринчи навбатда, педагогик тизимларда гендер хурофотларини бартараф этишда ҳал қилувчи рол ўйнаши лозим [7;272. 8;188]. Шу сабабли, педагогларнинг гендер жавобгарлигини ривожлантириш муаммоси айниқса долзарб эканлиги аён бўлади, чунки бу уларда бир қатор ҳаётий, шунингдек, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий фазилатларни шакллантиришга ҳисса қўшиши керак. Бу жиҳатдан, И. А. Загайновнинг фикрича, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги пастлиги ва одатта, аёлларнинг давлат тузилмаларининг барча даражаларида қарор қабул қилишдан четлатилиши, қашшоқлик феминизацияси, ижтимоий вазиятнинг ёмонлашиши каби ҳолатлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан фан соҳасида эркак ва аёлларнинг гендер тенглигини таъминлаш учун тегишли шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади. Шу сабабли, кадрлар тайёрлашга замонавий ёндашувлар аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий ролини ва умуман касбий фаоллигини оширишга ёрдам берадиган энг муҳим гендер муаммолари ҳал қилинишини таъминлаши шарт. Постсовет худудида жамиятда ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида гендер тенгсизлиги ҳодисалари бўйича юзага келган муаммоли вазиятни таҳлил қилган ҳолда, муаллиф гендер тенгсизлиги

меҳнат бозорида, касб-хунар ва олий таълим соҳасида доимий равишда содир бўладиган камситиш сифатида намоён бўлади деган хулосага келади. Юзага келган вазиятнинг сабаблари асосан гендер роллари ва тарихий ўтмишда ривожланган стереотиплар билан боғлиқ. Шу билан бирга, гендер билан боғлиқ ҳар бир шахс учун ҳам, жамият учун ҳам хавфли бўлган эски стереотиплар одамларнинг миясида қайси касб эркакка, қайси касб эса аёлга хос бўлиши тўғрисидаги фикр оммавий онг даражасида қатъий белгиланган. Бундай ёндашувда ҳозирги кундаги меҳнат бозорида, сиёсатда, оилада ва ҳ.к. ларда шахснинг касбий жиҳатдан ўзини ўзи англаш самарадорлиги объектив мезонлар (қобилият даражаси, тайёргарлик ва бошқалар) билан эмас, эркак ва аёлларнинг ижтимоий тизимдаги гендер фарқлари ва ижтимоий-маданий чекловларга боғлиқ ўрни ҳақидаги анъанавий қарашлар билан белгиланади. Аммо, эскирган стереотипларни замонавий гендер стереотиплари билан тўлиқ алмаштиришни фақат Қонунчилик ёрдамида маъмурий чоралар кўриш билан амалга ошириб бўлмайди, чунки бу маданий соҳанинг, хусусан, гендер социализацияси ва шахснинг гендер таълими кичик тизими билан боғлиқдир. Шу билан бирга, постсовет жамиятининг янги ижтимоий буюртмаси сифатида демократик шахс типининг ижтимоий-маданий жиҳатдан шаклланиши кичик тизимларида гендер тенглиги ғоясининг амалий равишда амалга оширилиши, биринчи навбатда, гендер маданияти, жавобгарлик, гендер муаммосини тушунишни ҳисобга олган ҳолда бўлажак мутахассисларни тайёрлашни мақсадга мувофиқ равишда кучайтириш заруратини келтириб чиқаради.

М. А. Семенованинг таъкидлашича, кўплаб муаммоларнинг келиб чиқиши жамият фаолияти, айнан гендер номуносивлиги билан боғлиқ, масалан, сиёсий, бошқарув фаолияти соҳаларида, икки жинс вакилларининг ўмр кўриш давомийлигидаги фарқ ўсиши, яъни эркаклар ўлими даражаси ошиши, аёлларнинг икки ҳисса бандлиги, эркакларнинг оиладаги болалар тарбияси ва уй-рўзғор ишларида етарлича иштирок етмаслиги кузатилади ва бунинг илдизи болаларнинг гендер социализациясига бориб тақалади. Шу сабабли, гендер масаласини нафақат конституциявий тенгликни ҳимоя қилиш, балки, биринчи навбатда, ёш авлоднинг гендер тарбиясини таъминлаш, уларнинг гендер масалаларига, кундалик фаолиятдаги масъулият, оилавий, ижтимоий ролларни бажаришда шериклик ва ўзаро ёрдамга онгли муносабатини ривожлантириш орқали ҳал қилиш мумкин.

Бунда болалар ва ёшларда ҳар қандай хато фикрлар пайдо қилиш ёки уларни камситишнинг олдини олиш, уларнинг таълим ва хулқ-атворида бўлган талабларни фарқлаш, маълум бир жинсга мансублиги асосида касбий, оилавий ва фуқаролик ролларини ўзлаштириш ушбу жараённинг етакчи тамойили ҳисобланади.

А. И. Мругнинг фикрига кўра, замонавий жамиятда маълум бир гендер ролини ўзлаштириш жараёнига оид ўзгаришлар мавжуд бўлиб, улар жамиятда шаклланган гендер стереотипларига мос келади. Бу ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнига ёшларнинг гендер маданиятини мақсадли ривожлантириш, уларнинг масъулиятини, ушбу муҳим масалаларда компетенциясини шакллантириш масаласини жорий этишни жуда долзарб масалага айлантиради. Муайян гендер ролини ўзлаштириш жараёнининг ўзи одатта, таниш ижтимоий механизм, яъни, норматив ва ахборий (информацион) таъсир орқали содир бўлади. Норматив таъсир аксарият ҳолларда, жамият ёки жамоа томонидан ушбу жамоанинг, хатти-ҳаракатлари эркак ва аёлга нисбатан белгиланган меъёрларга ёки гендер бўйича қабул қилинган янги нормаларга мос келмайдиган аъзоларини ёқтирмаслиги ва қоралаши сабабли намоён бўлади. Ноанъанавий жинсий ориентацияга эга бўлган одамларга салбий муносабат, касбий танловда, коммуникатив хатти-ҳаракатларда гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда босим ўтказиш ҳолатларини норматив таъсирнинг энг кенг тарқалган намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, инсон жамиятда атрофидаги одамларнинг уни писанд етмаслиги, унга нисбатан эътиборсизлик ҳолатларига дуч келмаслик учун стереотипларга амал қилиб, гендер ролларини бажаришга мослашиши керак бўлади. Ахборий таъсир инсоннинг маълум меъёр ва стандартларга риоя қилишга интилиши туфайли амалга оширилади, улар

орасида аёллар ва эркакларга тегишли стереотиплар муҳим роль ўйнайди. Яъни, шахс ўзини, у тегишли бўлган гуруҳ аъзолари каби тутишга ҳаракат қилади ва шундагина у ўз хатти-ҳаракатларини мақбул, тўғри деб ҳисоблайди. Ижтимоий меъёрлар, эркак/аёл намуналари хулқ-атвор стандартлари деб ҳисоблангани учун, баъзи одамлар уларни онгсиз даражада, ҳеч қандай шубҳа қилмасдан қабул қилишади. Шу билан бирга, баъзида одам хатти-ҳаракатларини амалдаги умумқабул қилинган меъёрларга мослаштириш учун онгли равишда ўзгартиради. Бундай хатти-ҳаракатлар гендер ролларига бўйсунмиш сифатида белгиланади ва қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

кўниш (ён бериш), яъни ижтимоий жазодан қочадиган шахс;

мақуллаш, яъни шахс ичида ижтимоий нормаларни маъқуллайди;

тақлид қилиш, яъни, шахс роль моделининг ҳаракатларини такрорлайди.

Бу турлар доимий бўлиши ёки вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Мисол учун, қиз бола идиш-товоқларни ювиш фақат хотин-қизларнинг иши деб ўйлаши ва бир умр идиш-товоқ ювиши мумкин ёки турмушга чиққанидан сўнг, дугонасининг оиласида кўрганидек, рўзғор ишлари билан боғлиқ мажбуриятларни турмуш ўртоғи иккаласининг ўртасида тенг тақсимлаши мумкин, яъни, мақуллаш типини тақлид қилиш типини билан алмашади. Тақлид қилиш билан боғлиқ гендер жиҳатдан ўзини тутиш, яна бошқа одамга тақлид қилиш туфайли ўзгариши мумкин [9; 259].

С. Н. Загуменов гендер маданиятини гендер тайёргарлигининг ажралмас таркибий қисми, ушбу масаладаги онгли жавобгарлик сифатида кўриб чиқади, бу назария асосида аёл ва эркак шахсининг турли хил биологик, аммо тенг ижтимоий мавжудотлар сифатида шаклланишининг ижтимоий-психологик механизмларини билиш ётади. Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларида гендер тенглиги тамойилига, шунингдек, демократик кадриятли-меъерий тушунчалар муваффақиятли намоён бўладиган, жинсидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати қўллаб-қувватланиши таъминланадиган фуқаролик онг, масъулият даражасига риоя қилиш замонавий дунё ривожланишининг энг муҳим мақсадларидан бирига айланмоқда. Шу мақсадда ёшлар ўртасида гендер маданияти, онгли масъулиятни тарбиялаш, аёллар ва эркаклар ҳақидаги стереотипик тушунчалар уларнинг танлаш эркинлигини чекламайдиган, ривожланиш эса ҳар икки жинс вакиллариининг танлаш (ўз навбатида жамиятда аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайдиган) эркинлигини кенгайтириш жараёни сифатида қараладиган ҳолатлар билан боғлиқ фикрлашни шакллантириш усуллари билан бири ҳисобланади [Загуменов С. Н.].

В. А. Кочневнинг нуқтаи-назарига кўра, жамият фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий асослари ўзгариши шароитида унинг аъзоларининг гендер билан боғлиқ ўз-ўзини идентификациялаши, гендерлик ўзини ўзи белгилаш муаммолари янада долзарбланимоқда. Гендерни шахснинг ижтимоий-маданий хусусиятлари маъносида талқин қилган ҳолда олим гендер билан боғлиқ ўз-ўзини идентификациялаш тушунчасига инсоннинг ўзини эркак ёки аёл жинсига тегишли деб билиш ҳиссини киритади, бу туйғуга маълум бир жамиятда эркаклар ва аёллар учун қабул қилинган муайян гендер ролларига тақлид қилиш орқали эга бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам, муаллифнинг болалар ва ёшларнинг гендерлик социализациясининг ўзига хослигини гендерлик роль ва гендер идентификацияси призмаси орқали таҳлил қилган ҳолда, ўзининг қарама-қарши табиати туфайли ўғил ва қизлар гендер ўзини ўзи англашда адашишларини таъкидлаши тасодиф эмас. Олим буни уларда гендер ролларининг анъанавий табиат ёки ноанъанавий табиатга эга бўлиши, никоҳ ва оилавий кадриятларнинг кадрсизланишига олиб келадиган бузилган хулқ-атвор нормаларига йўналиши ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиши билан изоҳлайди [6; 118].

И.С. Клецинанинг таъкидлашича, замонавий жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда гендер позицияларининг қайта тақсимланиши, янги гендер муносабатлари қурилиши, мавжуд кадриятларнинг қайта баҳоланишига олиб келадиган ижтимоий идеаллар ўзгариши, гендер тенглигига асосланган янги дунёқараш шакллантириш ва шу асосда гендер маданияти, гендер

масъулияти, гендер масалаларига онгли муносабат ривожлантиришни талаб қилади. Таълим тизимини ислоҳ қилиш, мавжуд билимларни қайта кўриб чиқиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун янги технологиялар излаш, ўз тажрибаси орқали материални ўзлаштиришга анъанавий усуллардан фаол ёндашувларга ўтиш, шериклик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилиш – буларнинг барчаси гендер муаммоларини ҳисобга олган ҳолда таълим соҳасида содир бўлаётган ўзгаришларни чуқур илмий таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан англаб етишнинг долзарблигини белгилайди. Муаллиф ўқув жараёнига гендер компоненти жорий этилиши ва таълим тизимида янги йўналиш - гендер таълимнинг шаклланишини қайд этади. Бу жиҳатдан олим гендерга оид учта тасдиқни илгари суради:

аёллар ва эркеклар ўртасида сезиларли фарқлар бўлса ҳам кўп умумийликларга эга; гендер фарқи гендер тенгсизлигини келтириб чиқармайди, аксинча, гендер тенгсизлиги аёллар ва эркеклар ўртасидаги фарқларни намоеён қилади;

гендер нафақат шахсий идентикликнинг таркибий қисми, балки ташкилот ва муассасаларда кундалик амалиётга киритилган институционал ҳодисадир [4; 275].

Айниқса, Н. В. Бушуева таъкидлаганидек, оилавий муносабатлар ва ўзаро таъсир келиб чиқиши шароитида ривожланаётган замонавий болаларда гендер идентиклиги муаммоси пайдо бўлади. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, аксарият ҳолларда, эркек ва аёл образларини оммавий ахборот воситаларидан, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, тенгдошлари билан муносабатлар ва ўз жинсий алоқалари тажрибасидан олади. Уларда ўзгача шахс типи шаклланади, бу шахс типи олимнинг эмпирик тадқиқотларига кўра, «Мен» гендер образининг диффуз бўлиниши, шахсий мотивациянинг паст даражада ривожланиши, масъулият, маълум бир пассивлик, эҳтиёжлар билан боғлиқ руҳи тушиш (фрустрация) ҳолатидаги тажовузкорлик, гипергендер хатти-ҳаракатлар - қизларнинг ўғил болаларга, ўғил болаларнинг эса қизларга тақлид қилишига олиб келадиган гендер стереотиплари намуналари ўзлаштирилишининг нотўғрилиги билан тавсифланади. Гендер деривацияси оқибати шунингдек, ўзини ўзи таъминлашнинг паст даражаси, гендер онгининг маргиналлашуви, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирларнинг оилавий ва ижтимоий ролларни бажаришга мослашувининг паст даражада бўлишига олиб келади [2; 75].

Ж.Б. Багичеванинг таъкидлашича, аёлларнинг академик таълим ва ўқишга расмий жалб қилинишидан деярли бир аср ўтса ҳам биз жамиятимизнинг барча даражаларида гендер тенглигидан, аҳолида муносиб гендер маданияти мавжудлигидан, бундай масалаларга масъулиятли муносабатда бўлишдан ҳали анча узокмиз. Бундан ташқари, бу вақт ичида аёллар эришган ютуқларга йўл шу қадар машаққатли эдики, у ҳеч қандай билимни тўсиқсиз эгаллаш имконияти, қобилиятларга кўра фаолият, ҳамма учун тенг имкониятлар ва бошқа тушунчаларга мос келмайди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида жамоат тузилмаларида ҳалигача аёллар ҳуқуқларига нисбатан чекловлар мавжуд. Аёллар сиёсат ва иқтисодиётда асосий ўринларни эгалламайди. Жамият гендер тенглиги ҳақида эълон қилиб, аммо маълум касбий доираларда гендер сегрегациясини намойиш қиладиган ноаниқ вазият мавжуд. Буларнинг барчаси жинсий белги бўйича камситишга олиб келади ва кўп ҳолларда бандлик, меҳнат ҳақи, ишга қабул қилиш, ходимларни қисқартириш, лавозимга кўтарилиш, касбий ривожланиш, уй-жой билан таъминланиш, сиёсий ва диний мартаба, ижтимоий сиёсат ва бошқалар каби касбий соҳаларда намоеён бўлади. Гендер стереотипларининг салбий таъсири замонавий шахснинг индивидуаллигини ривожлантиришда тўсиқ сифатида ҳаракат қилиб, инсоннинг ўзини ўзи англашига таъсир қилиши мумкин [1; 33].

А. В. Ворожейкина ўтказган тадқиқотлар кўрсатишича, одамларда гендер роллари таълим олиш жараёнида жамият таъсири остида шаклланади. Таълим давомида касбий гендер стереотипларини ўзгартириш мумкин, яъни уларни тузатиш ёки энг яхшиси улардан бутунлай халос бўлиш мумкин, бунга гендер компетенцияси ва масъулиятини тўғри ривожлантириш орқали эришилади. Аммо шуни тан олиш керакки, олий ўқув юртларидаги ўқитувчилар талабаларнинг академик муваффақиятини баҳолашга турлича муносабатда бўлади. Ўғил болаларда буни асосан қобилиятлар билан, қизларда

эса сабр ва кунт билан боғлашади. Бир жинс вакилларидаги мақсадларга эришишда қатъиятлилик руҳини сақлаш, бировнинг ишига аралашмаслик, кўникиш ва мослашишга йўналтирилган таълим-тарбиянинг бундай табақалаштирилган тизими шахсий «Мен» тушунчасига ҳар хил муносабатни келтириб чиқаради. Буни ҳисобга олган ҳолда, кўпинча эркаклар аёлларга қараганда самаралироқ деган фикр мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Бу ерда барча фаолият турлари ёки жамият томонидан айниқса кадрланадиган – сиёсат, дипломатия, илм-фан, санъат, спорт ва бошқа турлари кўзда тутилади. Аёлларнинг бу соҳаларда катта муваффақиятларга эга бўлмаслиги ёки эркакларга қараганда анча камтарлиги, одатда, тегишли қобилиятлар етишмаслиги билан изоҳланади, бу эса, ўз навбатида, кўпинча нуфузли касбларда гендер тенгсизлигини оқлаш учун асосий далил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, замонавий тадқиқотлар ўқитиш ва касбий фаолият муваффақияти инсоннинг гендер хусусиятларига боғлиқ эмаслигини яққол намоиш этади [3;24]. Демак, юқорида айтилганлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, жамиятни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш шахснинг уйғун ривожланиши, унинг ўзини ўзи англаши ва ижтимоий келиб чиқиши, мақоми, миллати, ёши, шунингдек жинсидан қатъи назар барча одамларнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариши учун тенг имкониятлар яратиш ва мустақамлаш, объектив жараённинг мақсадли ривожланишини белгилайди. Шу билан бирга, жамиятни ҳақиқий инсонпарварлаштириш, унинг барқарор ва хавфсиз фаолияти гендер муаммоларини, ушбу жиҳатдаги салбий стереотипларни енгиб ўтишни, жамоат маданиятида онгли гендер масъулиятини яратиш, жамоат ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан биринчи навбатда таълим амалиётида тенг гендер ҳуқуқларини яратишга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

Багичева Ж.Б. Гендерная проблематика в образовании. // Семья: проблемы, традиции, новации. Материалы Всероссийской научно-практической конференции. Том 2. - Москва, 2008. - С. 33-39.

Бушуева Н.В. Гендерный аспект регионального политического лидерства. // Уровень жизни населения регионов России. 2010, №3. - С. 75- 80.

Ворожейкина А.В. Методологические подходы к формированию гендерно-ориентированного стиля педагогической деятельности. // Инновации общего и профессионального образования, материалы междунар. научн. практ конф. Челябинск, 2006. - С. 24-29.

Клецина И.С. Гендерный подход и внутриличностные конфликты. // Женщина. Образование. Демократия: Материалы 2-й междунар. междисциплинар. науч.-практ. конф. - Минск, 2000. - С. 275-279.

Ключко О.И. Проблемы интеграции гендерного подхода в педагогическое образование региона. // Регионология. - 2007. - № 4. - С. 169-176.

Кочнев В.А. О возможностях дифференциального анализа в изучении поло ролевой идентичности. // Актуальные проблемы современной психологии и педагогики: новые технологии и перспективы. Материалы Международной научно-практической конференции. - 2013. - С. 118-122.

Козлов В.В. Гендерная психология. - М.: Высшая школа, 2016. - 272 с.

Кон И.С. Меняющиеся мужчины в меняющемся мире: Гендерные исследования мужчин. // Гендерный калейдоскоп. М., 2001. - С. 188 -208.с

Мруг А.И. Исследование особенностей гендерной идентичности студентов. // Сборник научных трудов Транспортной Академии. Серия: Педагогика и психология. - Кишинэу, 2005. - том 2. - С. 259-262.